

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁД
ИНСТИТУТИ**

“МТ” факультети
“ГТИ ва НСФ” йўналиши

“ГТИ ва НСФ” кафедраси
химояга рухсат этилсин
_____ доц.
“ ” _____ 2017 й.

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Янгиқўрғон сув омбори реконструкцияси”

**Бажарди
Рахбар**

**Сафаров Т
Исоқов А**

ҚАРШИ-2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁД ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Каф. муdiri _____

«_____» _____ 2016 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ УЧУН ТОПШИРИҚ

Талабанинг фамилияси, исми, шарифи:

БМИнинг мавзуси: “ Қашқадарё вилоятидаги Янгиқўрғон сув омбори
реконструкцияси ”

1. № 710/т « 09 » _____ декабрь _____ 2016 й. Институт буйруғи билан тасдиқланган.
2. Тайёрланган битирув малакавий ишни топшириш муддати: 05.06 2017 й.
3. БМИ учун берилган маълумотлар: Амалдаги Янгиқўрғон сув омборининг географик жойлашуви, табиий, иқлим, гидрология, геология, гидрогеология ва техник ҳолати бўйича маълумотлар, мавжуд конструкцияси бўйича чизмалари (план, қирқимлари).
4. Ҳисоб тушунтиришув ёзувининг мазмуни: Кириш. 1 - Умумий қисми, 2 - Техник қисми. 3 - Иқтисодий қисми. 4 - Ҳаёт фаолият хавфсизлиги қисми. 5 – Хулоса ва тавсиялар, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. Интернет маълумотлари.
5. Кўргазмали чизма материалларнинг номлари (чизма номлари аниқ кўрсатилсин): 1 – Янгиқўрғон сув омборининг схематик кўриниши. 2 –Тўғоннинг кўндаланг қирқими. 3 – Сув чиқазгич бўйлама плани .4 - Янгиқўрғон сув омборининг космик сёмкаси расмлари.
6. Топшириқ берилган вақт « 15 » _____ 12 _____ 2016 йил.

РАҲБАР: _____
(имзо)

Топшириқ олди: _____
(талаба имзоси)

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИНИНГ

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

№	Босқичларнинг номи	Бажарилиш муддати	Эслатма
1.	Дастлабки маълумотларни териш ва умумий қисмини ишлаб чиқиш.	15.12.2016 й. - 15.02.2017 й.	
2.	Техник қисмини ишлаб чиқиш	01.03.2017 й. - 30.03.2017 й.	
3.	Иқтисодий қисмини ишлаб чиқиш.	01.04.2017 й. - 15.04.2017 й.	
4.	Чизмаларни ишлаб чиқиш.	15.04.2017 й. - 30.04.2017 й.	
5.	Ҳаёт фаолият хавфсизлиги қисмини ишлаб чиқиш.	01.05.2017 й. - 10.05.2017 й.	
6.	Кириш қисмини ишлаб чиқиш	10.05.2017 й. - 20.05.2017 й.	
7.	Хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиш.	20.05.2017 й. - 27.05.2017 й.	
8.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ёзиб чиқиш.	28.05.2017 й. - 30.05.2017 й.	
9.	Тушунтириш дафтарини расмийлаштириш.	01.06.2017 й. - 03.06.2017 й.	

Битирувчи – талаба _____

Битирув иши раҳбари _____

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	5
1. УМУМИЙ ҚИСМ	
1.1. Сув омбори хақида умумий маълумотлар.....	9
1.2. Янгиқўрғон сув омборининг жойлашган ўрни ва вазифаси.....	10
1.3. Иқлим шароити	10
1.4. Гидрологик шароити.....	12
1.5. Сув омборининг сув баланси.....	13
1.6. Сув омборининг иш режими.....	17
1.7. Янгиқўрғон сув омбори қурилишининг қисқача тавсифномаси.	20
2. ТЕХНИК ҲИСОБЛАР	
2.1. Янгиқўрғон сув омбори тўғони устининг белгисини аниқлаш..	26
2.2. Янгиқўрғон сув омборидаги бир жинсли грунт тўғоннинг филтрация ҳисоби.....	30
2.3. Янгиқўрғон сув омбори грунт тўғонининг статик ҳисоби.....	33
3. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ	
3.1 Янгиқўрғон сув омбори қурилишининг смета баҳосини аниқлаш..	41
3.2 Ирригация, қишлоқ хўжалиги қурилишлари ва ерларни ўзлаштиришга сарфланадиган капитал қўйилмалар миқдорини аниқлаш.....	43
3.3 Қишлоқ хўжалигида яратилган маҳсулот, унинг қиймати, таннархи ва олинган соф даромадни ҳисоблаш.....	45
3.4 Капитал қўйилмаларнинг умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.....	46
4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	
4.1. Янгиқўрғон сув омборида сув муҳофазаси фаолиятини йўлга қўйиш.....	48
4.2. Янгиқўрғон сув омборини реконструкция қилишда меҳнат муҳофазасини таъминлаш.....	53
5. ХУЛОСА	58
ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	59
ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ	

Кириш

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Содда қилиб айтганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортда қолмоқда.

Бу тафовут, аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқариш учун тегишли шароитлар мавжуд бўлмаган мамлакат ва ҳудудларда чуқурлашиб бормоқда.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик жихатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қирғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун **ер ости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг** унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли эмаслиги ҳақида бормоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича олдимизга қўйган мақсадларимизга хорижий инвестицияларни жалб этмасдан, халқаро молия институтлари ва банк тузилмаларининг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига таянмасдан туриб эришиб бўлмаслигини биз яхши англаймиз.

Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Глобал экологик фонд, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти каби бошқа кўплаб институтлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари агентликларининг шу борада кўрсатаётган

ёрдамини биз юксак кадрлаймиз. Уларнинг иштирокида юздан ортиқ инвестиция ва грант лойиҳаларини амалга ошириш учун 1,1 миллиард доллардан ортиқ маблағ жалб этилди.

Ажратилган молиявий маблағлар билан бирга, биринчи навбатда, илғор агросаноат технологияларини жалб этиш, қишлоқ, хўжалиги инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида курсатилган амалий ёрдам ва ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Ўйлайманки, кимки шундай қўллабқувватлашдан баҳраманд бўлган бўлса, бундай ёрдамнинг аҳамиятини яхши тушунади.

Жаноб Жозе да Силванинг ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолаётганимиз, Тошкент шаҳрида ушбу ташкилот ваколатхонасини очаётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон билан БМТнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий молиявий институти бўлмиш Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди ўртасида конструктив ҳамкорлик ўрнатилганидан мамнун эканимизни билдирмоқчиман. Бу фонднинг асосий вазифаларидан бири юқори самарадорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги тизимини шакллантириш бўйича ўзини оқлаган ёндашувларни амалга оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасида жадал ривожланиб бораётган, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўзида умумий қиймати 400 миллион доллардан зиёд олтита лойиҳани амалга ошириш имконини берган ҳамкорликни биз юксак кадрлаймиз.

Ҳамкорлигимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ирригация тизимларини модернизация қилишга қаратилган лойиҳалардир.

Ўтган йили Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда "Аму — Бухоро" машина каналини қайта

тиклаш лойихасини амалга оширишни бошлаганимиз бежиз эмас. Унинг доирасида 1,8 миллиондан зиёд одам истиқомат қилаётган 315 минг гектар майдонни сув билан таъминлайдиган ирригация инфратузилмаси реконструкция ва модернизация қилинади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда Жаҳон банкининг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Умумий қиймати 380 миллион доллар бўлган 8 та лойиҳа амалга оширилди, жорий йилда яна умумий қиймати 450 миллион долларлик иккита лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш режалаштирилмоқда.

Жанубий Қорақалпоғистонда узок муддатли имтиёзли кредитлар ҳисобидан сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш бўйича 260 миллион долларлик йирик лойиҳани амалга оширишга киришмоқдамиз.

Мазкур лойиҳа доирасида яроқсиз ҳолга келиб қолган 30 минг гектар ерни қайта тиклаш режалаштирилмоқда. Келгусида бу майдонларда диверсификациялашган ва юқори даражада механизациялашган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мўлжалланмоқда.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг етти та вилоятида амалга оширилаётган, боғдорчилик ва сабзавотчиликни комплекс модернизация қилишга қаратилган, умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган лойиҳа катта истиқболга эга бўлиб, унинг доирасида уруғчилик, ўсимликлар селекцияси ва муҳофазаси соҳасидаги илмий тадқиқот салоҳиятимизни модернизация қилиш ва ошириш, шунингдек, замонавий агротехнологиялар йўналишида сармоялар киритиш мақсадида фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектлари учун кредит линияларини очиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг истиқболли ва янгилиги БМТ қошидаги Глобал экологик фонднинг эътиборини тортгани, фонд томонидан фермер хўжаликларида илғор технологияларни жорий этиш ва янги замонавий ускуналарни харид қилишга қаратилган 13 миллион долларлик грант тақдим этилгани қувонарлидир.

Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда Хоразм, Жиззах ва **Сирдарё** вилоятларининг ирригация тизимларини қайта тиклаш бўйича умумий қиймати 143 миллион доллар бўлган иккита лойиҳа амалга оширилмоқда, шунингдек, **Сурхондарё** вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилашга қаратилган лойиҳани тайёрлашга киришилди.

1.1. СУВ ОМБОРИ ҲАКИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1	Сув омборининг номланиши	«Янгиқўрғон».
2	Сув билан таъминловчи манба	Яккабоғдарё дарёси.
3	Сув омбори жойлашган манзил	Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани.
4	Сув омборнинг тури	Қуйилма.
5	Оқимнинг бошқарилуви	Мавсумий.
6	Сув омборининг мақсади	Суғориш учун.
7	Сув омборини тўлдириш бошланган ва меъёрий димланган сатх (МДС) га етиш санаси	Тўлдириш бошланиши–1974 йил. МДС га кўтарилган вақти–1975 йил.
8	Сув омбори эксплуатацияси каскадли ёки изоляцияли	Изоляцияли.
9	Сув омбори фойдаланишга топширилган сана	Доимий фойдаланишга 1975 йил 10 январда қабул қилинган.
10	Қурилиш йиллари	1960-1974йилларда амалга оширилган.
11	Сув омбори қурилиш лойихаси	«Узгипроводхоз» институти томонидан тузилган.
12	Лойиханинг сақланиш жойи	«Узгипроводхоз» институти, сув омборлари эксплуатацияси бошқармаси ва Республика марказий архивида.
13	Иншоотларнинг таркиби:	
1	Сув омбори хавзаси	
2	Тўғон	
3	Сув чиқариш иншооти	
4	Сув чиқарувчи канал	
14	Сув билан қопланган майдон	- 0, 712 км ²
15	Суғориладиган майдони: лойиха бўйича сув омбори 10,152 минг гектар суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш кўзда тутилган.	

16	Балиқ махсулотлари етиштириш	Шартнома асосида фойдаланилади.
17	Рекреация	Фойдаланилмайди.
18	Зилзилабардошлилиги	7 балл.
19	Сув омбори гидротехник иншоотларининг синфи	Иншоотлар III-синф.

1.2 Янгиқўрғон сув омборининг жойлашган ўрни ва вазифаси

Янгиқўрғон сув омбори Кашкадарё вилоятининг Яккабоғ туманида Яккабоғ дарёсида қурилган. Бу жойда дарёнинг кенглиги 300- 350 м, дарё ўзани кенглиги 40-50 м га тенг бўлган шағал-тошдан ташкил топган. Сув омборининг асосий вазифаси – сув омборидан пастда жойлашган ерларнинг сув билан таъминлашни яхшилашдан иборат.

1.3 Иқлим шароити

Иқлими: Янгиқўрғон сув омбори жойлашган ҳудуднинг ёз фасли иссиқ, қиш фасли илиқ бўлиб, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати +23,7°C даража бўлади. Ёз мавсумида ҳавонинг максимал ҳарорати +40°C даражани, июль ойида ўртача +27°C даражани ва қиш даврининг январ ойида ҳавонинг минимум ҳарорати -24°C даражани ташкил этади. Қиш мавсуми узоқ давом этмайди. Қиш-баҳор ойларида кам ёғингарчиликлар кузатилади. Ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори 250-295 мм ни ташкил этади. Ёғингарчилик асосан ноябр-апрел ойларида кузатилади. Энг кўп ёғингарчилик даври март-апрел ойларида тўғри келади. Ёз мавсуми қурғоқчил бўлиб 3-4 ой деярли ёғингарчиликлар кузатилмайди. Йиллик ўртача буғланиш 1260 мм ни ташкил этади.

Музлаш режими: Декабрь-январ ойларида дарёнинг қуйи қисмида баъзан қаттиқ музлаш ва кичик муз парчаларининг оқими кузатилади. Сув омборини ишлатиш даврида яъни 1977, 2008 йилларда сув омборида музлаш кузатилган ва муз қалинлиги 10-15 см ни ташкил этган.

Термик режими: Сув омбори жойлашган ҳудудда куз-қишда ҳаво ҳарорати пасаяди ва баҳор-ёзда ҳарорат кўтарила бошлайди, шу сабабли

сув омборида сув хароратининг минимал пасайиши декабр-январ ойларида $+3^{\circ}\text{C}$ дан $+7^{\circ}\text{C}$ даражагача бўлса, сувнинг харорати баҳорнинг апрел ойида $+15^{\circ}\text{C}$ - 17°C даража илиқликкача кўтарилади. Сув хароратининг максимал кўтарилиши ёз фаслида $+27^{\circ}\text{C}$ даражагача илиқликни ташкил этади. Куз фаслида асосан сув харорати $+14^{\circ}\text{C}$ дан $+16^{\circ}\text{C}$ гача ўзгаради.

Хисобий тўлқин баландлиги: Янгиқўрғон сув омборида лойиха бўйича максимал хисобий тўлқин баландлиги 1,3 м га тенг деб қабул қилинган.

Сув омборида тўлқинланишни кузатиш кучли шамол ёки довул пайтида, тўлқиннинг баландлигини келгуси хисоблар ва тадбирлар учун аниқлаш мақсадида ўтказилади. Тўлқин баландлигини тўлқин ўлчаш рейкаси ёки тўғоннинг бетон билан мустахкамланган қиялигида тўлқиннинг қияликка урилиб чиқиш узунлигини ўлчаш орқали аниқлаш мумкин.

Тўлқин баландлигини яна ҳам аниқроқ йўл билан аниқлаш мумкин. Бунда барқарор тўлқинланиш ҳосил бўлгандан сўнг шамолнинг йўналиши белгиланади, унинг тезлиги қўл анемометри билан ўлчанади ва тўлқинларнинг пайдо бўлиб келиш масофасини сув омбори хавзасининг режасидан аниқлаб, САНИИРИ нинг қуйидаги формуласи орқали тўлқин баландлиги топилади:

$$h_{1\%}=0,0027V_w L_1 \text{ м}$$

бу ерда: V_w - 10 м баландликдаги (ёки яқиндаги метеостанцияда ўлчанган) шамол тезлиги, м/с;

L - тўлқинлар пайдо бўлиб келиш масофаси, м;

$$g=9,81 \text{ м/с}^2$$

Шамол тезлиги: $V_w=1,26 V_{w2}$,

бу ерда: V_{w2} - 2 м баландликда қўл анометри билан ўлчанган шамол тезлиги, м/с.

1.4 Гидрологик шароити

Қашқадарё ҳавзаси жойлашган ўрни-баландлигига кўра 3 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга Оксув, Тангоз, Яккабоғдарёлар киради, уларнинг сув йиғиш майдони 4,0 минг метр юқорида жойлашган. Умумий сув йиғиш майдони 1610 км².

Иккинчи гуруҳга Қашқадарё, Жиннидарё, Қорасув, Турнабулоқ, Лангар ва Ғузордарёлари кириб, улар 3,0 минг метр юқорида, сув йиғиш майдони-4226 км².

Учинчи гуруҳга Қалқамасой, Оёқчисой, Макридсой, Шўробсой ва Гулдарасой ва бошқа сойлар киради, уларнинг сув йиғиш майдони денгиз сатҳига нисбатан 1,5 минг м дан пастда жойлашган.

Биринчи гуруҳ дарёлари озикланиш усулига кўра қор ва музликлардан озикланади. Уларнинг солиштира серсувлиги юқори ва йиллик оқимнинг ўзгариши камлиги билан ажралиб туради. Улар Қашқадарё сув режимини шакллантиради. Уларда тошқин асосан июнь ойида содир бўлади. Сув сарфи энг кам бўладиган давр декабрь-январь ойлари.

Иккинчи гуруҳ дарёлари қор, қор ва ёмғирдан озикланади, йиллик оқимнинг ўзгариши катта, энг сув кўп давр-апрель, сув кам пайт ёзнинг охири ва кузнинг боши.

Сойларда сув оқими эрта шаклланади, кўп даври апрель, кам пайти июль, август, сентябрь ойлари.

Яккабоғ дарёси Турна-булоқ ва Қизилдарёларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади, дарё ҳавзаси Қашқадарё вилоятининг шарқ томонида жойлашган бўлиб, Қашқадарё ҳавзасининг бир қисми ҳисобланади. Турна-булоқ дарёси Яккабоғ дарёсининг чап ирмоғи бўлиб, унинг узунлиги 35 км ни ташкил қилади. Озикланиш усулига кўра Турна-булоқ дарёси қор ва ёмғир сувларидан озикланадиган дарёлар турига мансуб бўлиб, серсувлилиги юқори оқимнинг асосий концентрацияси апрел – май ойларига тўғри келади.

Турна-булоқ дарёсидаги гидрометрик кузатишлар «Ишкент» гидропостида 1930 йилдан бери олиб борилмоқда.

Гидрологик нуқтаи назаридан дарё ҳавзаси яхши ўрганилган.

Қуйидаги 2-жадвалда Турна-булоқ дарёси усти сув сарфи ва оқим миқдори 50%, 75% ва 90% таъминланганлик учун келтирилган.

2-жадвал

Таъминланганлик	50%	75%	95
Сув сарфи, м³/с	1,23	0,84	0,59
Сув оқими, млн. м³	37,9	30,5	21,1

Бу туманда сел тошқинлари ҳам бўлиб туради. УГМС партияси маълумотларига кўра Турна-булоқ дарёсида 1956 йилдан 2000 йилгача 12 марта сел тошқинлар кузатилган. Шунинг учун ҚМҚ 2.01.14.83 бўйича сел оқимининг максимал сарфлари ҳисобланган ва қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Таъминланганлик	0,01	0,1	0,5	1	5	10
Сув сарфи, м³/с	261	210	196	145	110	96
Сув оқими, млн. м³	8,59	7,0	6,52	4,83	3,68	3,19

1.5 Сув омборининг сув мувозанати (баланси)

Сув омбори эксплуатацияси даврида кунлик, ўн кунлик, ойлик ва йиллик сув баланси тuzилади. Сув омборининг сув хўжалик баланси қуйидаги икки қисмни ўз ичига олади, яъни кириш ва чиқим. Сув омборининг баланси қуйидаги тенглама кўринишида бўлади.

$$\sum K = \sum U + (\pm A) \pm K$$

Бу ерда; K - ҳисобий даврда сув омборига қуйилган сув миқдори ёки қуйилувчи компонентлар суммаси;

U – ҳисобий даврда сув омбордан сарфланган сув миқдори ёки сарфланган компонентлар суммаси;

A – ҳисобий даврда сув омбори ҳажмининг ўзгариши;

K – қолдиқ сув миқдори;

Кирувчи компонентлар баланси қуйидагича аниқланади:

$$\sum K = K_{\kappa} + \ddot{E}$$

Бу ерда; K_{κ} – Яккабоғдарё дарёсидан қуйилувчи сув;

$\ddot{E}$ – сув омбори юзасига тушган ёғингарчиликлар миқдори.

Чиқувчи компонентлар баланси қуйидагича аниқланади:

$$\sum \mathcal{C} = C_{\mathcal{C}} + B - \Phi$$

Бу ерда; $C_{\mathcal{C}}$ – сув чиқарувчи каналдаги сув миқдори;

B – сув омбори юзасида буғланишга сарф бўлган сув миқдори;

Φ – тўғон асоси ва унинг танасидан фильтрацияга йўқотилаётган сув миқдори.

Сув баланси чиқимини ташкил этувчиларидан бири сув омбори юзасидан буғланишга сарф бўладиган сув миқдоридир. Янгиқўрғон сув омбори юзасидан буғланишга сарф бўладиган сув миқдорини аниқлаш жадвал шаклида келтирилган (4-жадвал). Сув омборидаги кириш ва чиқимни барча ташкил этувчилари аниқлангандан сўнг сув омборининг баланси тузилади.

Сув омборининг сув хўжалик балансини ҳисоблаш жадвал қуринишида олиб борилади (5-жадвал).

Сув омборлари лойқаланган хажмининг кейинги йилларда ўзгаришини назарий асосда аниқлаш ҳам мумкин. Бунинг учун ўтган йиллардаги сув омбори эксплуатацияси ва барча кузатув маълумотларидан фойдаланилади.

Бирор бир йил мобайнида кузатилган сув сатхининг максимал (энг юқори) ва минимал (энг паст) белгилари топилиб, улар ўртасидаги лойқаланиш хажми сув омбори сув балансининг тенгламасига кўра қуйидагига тенг:

$$\nabla W = W_{\mathcal{L}} - (\sum K - \sum \mathcal{C})$$

Бу ерда: $W_{\mathcal{L}}$ – сув омборининг ушбу белгилар ўртасидаги лойихавий чизик бўйича хажми, млн.м³;

Янгиқўрғон сув омборидан буғланишга сарф бўладиган ўртача кўп йиллик сув миқдорини ўртача ойлик сатхига боғлиқ тарзда ўзгариши

Сув сатхининг белгиси, м	Сув юзаси майдони, км ²	Ойлар											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
573	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
574	0,020	0,0005	0,0005	0,0005	0,0011	0,0020	0,0032	0,0038	0,0035	0,0025	0,0015	0,0011	0,0007
575	0,060	0,0018	0,0016	0,0018	0,0031	0,0059	0,0095	0,0117	0,0105	0,0075	0,0045	0,0033	0,0022
576	0,100	0,0029	0,0028	0,0030	0,0052	0,0097	0,0158	0,0196	0,0174	0,0124	0,0076	0,0054	0,0036
577	0,180	0,0052	0,0051	0,0055	0,0094	0,0174	0,0284	0,0353	0,0313	0,0223	0,0137	0,0097	0,0065
578	0,224	0,0065	0,0063	0,0067	0,0116	0,0218	0,0354	0,0446	0,0389	0,0277	0,0171	0,0121	0,0081
579	0,300	0,0087	0,0084	0,009	0,0156	0,0291	0,0474	0,0503	0,0522	0,0372	0,0228	0,0162	0,0108
580	0,380	0,0110	0,0106	0,0114	0,0197	0,0365	0,0601	0,0745	0,0661	0,0471	0,0289	0,0205	0,0137
581	0,480	0,0139	0,0134	0,0144	0,025	0,0465	0,0758	0,0940	0,0836	0,0596	0,0364	0,0260	0,0172
582	0,530	0,0154	0,0148	0,0159	0,0275	0,0514	0,0837	0,1043	0,0922	0,0657	0,0403	0,0287	0,019
583	0,580	0,0169	0,0163	0,0174	0,0301	0,0563	0,0916	0,1141	0,1009	0,7188	0,0441	0,0314	0,0209
584	0,680	0,0197	0,0191	0,0203	0,0353	0,0660	0,1071	0,1328	0,1178	0,0843	0,0517	0,0367	0,0245

Янгиқўрғон сув омбори сув баланси

Танланган йил	Кирувчи қисм, млн.м ³ йилда							Чиқувчи қисм, млн.м ³ йилда										Акумуляция сув, млн.м ³	Ишлатилган сув млн.м ³	Қолдик сув миқдори, млн.м ³ / %	Изоҳ	
	ЖАМИ	Шундан						ЖАМИ	Шундан													
		юқори қисмдан қўйилиш	Ёндан тушган сувлар	Ёғин миқдори	Орқага қайтувчи сувлар	Бошқа манбалардан берилаган сув	Қўшимча сувлар миқдори		Йўқот- ишлар		Аҳоли ва саноатга	Сугоришга	Энергетикага	Сув транспортига	Қўйи бьефга қўйилган сув	Бошқа сув хавзаларига	Қўшимча ишлатилган сув					
									Буғланиш	Фильтрация												
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	
2011	2,506	2,236		0,27				2,906	0,041	0,041		2,824										

Изох: Намуна сифатида келтирилган сув балансини тузишда сув омбори эксплуатацияси маълумотларидан фойдаланилди.

ΣK ва $\Sigma Ч$ – сув балансининг сатхи ушбу белгилар ўртасида ўзгарган вақтдаги қуйилиш ва чиқишни ташкил этувчиларининг йиғиндилари, млн.м³.

Ана шу хажми бир неча йил учун топиб, уларни текисловчи эгри чизик бўйича сув омборини эксплуатацияси даври ичида лойқаланиш хажмини аниқлаш керак. Хисоблар учун сув сатхлари максимал даражада ўзгарган ва ишончлироқ маълумотга эга бўлган йиллар танланади. Бу ҳолат учун текисловчи эгри чизикнинг тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\nabla W = B(W_{оким})^u$$

Бу ерда: $W_{оким}$ – сув омборига сув қуйилган йилдан хисобий йилгача қуйилган оқимнинг умумий хажми, млн.м³.

Эксплуатация давридаги олиб борилган кузатув маълумотлари асосида қуйидаги эмпирик формулага ишлаб чиқилди.

$$\nabla W_{\phi} = 0.0412(W_{оким})^{0.785} \quad (4.6)$$

Сув омбори тўла хажмининг лойқаланган қисми:

$$\nabla W_{тула} = \nabla W_{\phi} + \nabla W_y \quad (4.7)$$

∇W_{ϕ} – фойдали хажмининг лойқаланган қисми, млн.м³;

∇W_y – ўлик хажмининг лойқаланган қисми, млн. м³.

Янгиқўрғон сув омборида лойқа хажми ҳозиргача аниқланмаган, хавзада тахминан 0,16 млн.м³.ни ташкил килади.

1.6 Сув омборининг иш режими

Сув омборини тўлдириш ва бўшатишни иншоотларнинг ишончилигига таҳдид солувчи, хавф туғдирувчи ва халокатли ходисаларни бўлмаслигини аниқлаб амалга ошириш лозим. Сув омборини ишлатишда ундаги сув миқдори белгиланган сув миқдоридан ошмаслигини таъминлаш ва сув омборининг иш режимини мутлоқ аниқлик билан амалга ошириш керак.

Сув омборининг ишлаш режими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат режасининг бажаришда сув захираларини яратиш;
- барча иншоотларнинг ишлаши учун шароитлар яратиш;

- барча иншоотларни хавфсиз ва самарали ишлашини ташкил этиш;
- кам миқдорда лойқа чўкишини таъминлаш;
- сув омборини ишлатиш муддатини ошириш;
- сув ресурсларини санитар меъёрида сақлаш;
- сув омборини, иншоотларни, сув омбори яқинида жойлашган аҳолини, ўзан пастида жойлашган майдонлар ва х.к. ларни хавфсизлигини таъминлаш;
- сувдан фойдаланувчи ва истеъмолчиларни хар хил сувлилик йилларда сув билан таъминлашни тартибга солиш.

Сув омборини тўлдириш Яккабоғ дарёсидан Пахтакор ва Ўнг қирғоқ каналлари орқали амалга оширилади.

Янгиқўрғон сув омбори қуйи қисмдаги худуд ерларни суғориш учун хизмат килади.

Сув омборлари захирасидаги сувни тежаб, самарали ишлатиш лозим. Айниқса, бизнинг минтақамизда, яъни ғалла ва пахта экиладиган майдонларда суғориш ишлари деярли йил давомида олиб борилади. Бунинг учун сув омборидан берилаётган сув устидан қаттиқ назорат қилиш керак.

Сув беришни чегаралаш чизиғининг ординаталари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Янгикўрғон сув омборидан сув беришни чегаралаш чизигининг ординаталари ҳисоблаш натижаси.

Кўрсаткичлар	январ			феврал			март			апрел			май			июн		
	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III
Сувни келиши. W _к млн.м ³	0	0	0,527	0,173	0,484	0,363	0,449	0,190	0,276	0,216	0,346	0,259	0,173	0,173	0,173	0,173	0,173	0,173
Сувни чиқиши. W _ч млн.м ³	0	0	0	0	0	0	0	0	0,276	0,207	0,199	0,829	0,743	0,397	0,276	0,078	0,294	0,812
W _к - W _ч	0	0	0,527	0,173	0,484	0,363	0,449	0,190	0	0,009	0,147	0,570	-0,570	-0,224	0,103	0,095	-0,121	0,639
Σ(W _к - W _ч)	0	0	0,527	0,700	1,184	1,547	1,996	2,186	2,186	2,195	2,342	1,772	1,202	0,978	0,875	0,780	0,659	0,020
W=W _{уicc} -S _{мин} + +Σ(A*W _к - W _ч)	1,238	1,238	1,765	1,938	2,422	2,785	3,234	3,424	3,424	3,433	3,580	3,010	2,440	2,216	2,113	2,208	2,087	1,448

Кўрсаткичлар	июл			август			сентябр			октябр			ноябр			декабр		
	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III
Сувни келиши. W _к млн.м ³	0,173	0,173	0,173	0,190	0,181	0,181	0,173	0,130	0,086	0,095	0,112	0,086	0,104	0,173	0,173	0,173	0,173	0,173
Сувни чиқиши. W _ч млн.м ³	0,268	0,354	0,337	0,190	0,181	0,181	0,225	0	0	0	0,000	0,130	0,078	0	0	0	0	0
W _к - W _ч	-0,095	-0,181	-0,164	0	0	0	-0,052	0,130	0,086	0,095	0,112	-0,044	0,026	0,173	0,173	0,173	0,173	0,173
Σ(W _к - W _ч)	-0,075	-0,256	-0,420	-0,420	-0,420	-0,420	-0,472	-0,342	-0,256	-0,161	-0,049	-0,093	-0,067	0,106	0,279	0,452	0,625	0,798
W=W _{уicc} -S _{мин} + +Σ(A*W _к - W _ч)	1,353	1,172	1,008	1,008	1,008	1,008	0,956	1,086	1,172	1,267	1,379	1,335	1,361	1,534	1,707	1,880	2,053	2,226

Изоҳ: Сув омборидан фойдаланиш бошқармаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.

1.7 Янгиқўрғон сув омборининг қурилишининг қисқача тавсифномаси

Сув омбори қурилиши ҳеч қандай лойихасиз, хўжалик йўли билан, қурилиш меъёрлари ва қоидаларидан четлашган ҳолда амалга оширилган ва 1962 йил битказилган. Тўғон баландлиги 10 м, ҳажми 1 млн. м³ ни ташкил этган. 1974 йили тўғон бир неча марта ҳалокатли оқибатлар таъсирида бузилиб кетганидан сўнг «Узгипроводхоз» институти лойихаси асосида қайта реконструкция қилинган.

1974 йил Янгиқўрғон сув омбори тўғони 2,5 м га кўтарилган ва бу сув омборининг фойдали ҳажмини 3,3 млн. м³ гача (НДС 584.50 м) кўпайтиришга имкон берган. Қўшимча равишда иншоотлар бўғини таркибига минорали ҳалокатли сув ташлагич билан бирлаштирилган қувурли сув чиқазгич лойихаланган.

1974 йилдаги қайта таъмирланганидан сўнг сув омбори

параметрлари қуйидагича:

Сув омборидаги сув сатхи:

- МДС=585.00 м (максимал димланган сатх)
- НДС=584.50м (нормал димланган сатх)
- ФСС=578.00м (фойдасиз сув сатхи)

Сув омбори ҳажми:

- Максимал димланган сатхда МДС =3,3 млн.м³,
- Нормал димланган сатхда НДС =2,8 млн.м³
- Фойдасиз сув сатхида ФСС=0,5 млн.м³

Сув сатхи майдони:

- МДС да= 0,712 км².
- НДС да= 0,75 км².
- ФСС да= 0,224 км².

НДС да саёз жойлар майдони – 0,47 км²

Сув омбори максимал узунлиги - 1,5 км, эни – 1,0 км

Иншоотлар бўғини таркибига қуйидагилар киради:

- сув олиб келувчи канал;
- тўғон;

- халокатли сув ташлагич билан бирлаштирилган тубдаги сув чиқаргич;
- сув олиб кетувчи канал.

1. Сув олиб келувчи канал

Сув олиб келувчи канал Хабар-II каналидан сув олади. Канал бошланиш қисми отметкалар фарқи 0,8 м бўлган ва сув урилма қудуқли тезоқардан иборат. Сув олиш учун канал кириш қисмида иккита ясси затвор ўрнатилган. Канал туби эни 1 метр, ён қияликлари $m=1,5$ ва чуқурлиги 1,6 метрни ташкил этади. Каналнинг қуйи қисми грунт ўзан бўйлаб ўтади ва сув омбори билан бирлашади. Иншоотнинг умумий узунлиги 150 м, шу жумладан грунт ўзанли қисми узунлиги 100 м ни ташкил этади. Сув сарфи – $2 \text{ м}^3/\text{с}$.

2. Тўғон.

Сув омбори тўғони бир жинсли суглинокдан қурилган. Тўғон қатламлаб кўтарилган, тўғон танасидаги грунтнинг зичлаш даражаси $\gamma = 1,65 \text{ т/м}^3$.

Тўғон параметрлари:

- Тўғон тепасининг отметкаси 586.00
- Максимал баландлиги 16 м
- Тўғон тепаси бўйича узунлиги 1900 м,
- Тўғон тепаси бўйича эни 6,0 м
- қияликлари 3,0 , берма эни 4,0 м

Тўғон қияликлари қалинлиги 0,5 м ли йирик фракцияли шағал ва қумли аралашма билан қопланган. Юқори қиялик қўшимча равишда қалинлиги 15 сантиметрли монолит бетон қоплама билан ҳимояланган. Унинг асосида бутун босимли фронт бўйлаб қопламани силжиб кетишдан сақлайдиган темир-бетон тиш ўрнатилган.

Депрессия эгри чизиғини пасайтириш ва механик суффозияни олдини олиш мақсадида тўғон танасидан қувурли дренаж чиқарилган. Бу ёпиқ турдаги дренаж бўлиб пастки бўёфда тўғон ўқидан $18 \div 20$ м да жойлашган. Дренаж конструкцияси икки қават қум ва галечникли қатлам билан қопланган диаметри 300 мм бўлган тешикли асбест-цемент қувурдан иборат. Дренажнинг умумий узунлиги 530 м. Ҳар 50 м да умумий ҳисобда 9 та очиқ турдаги назорат қудуғи

ўрнатилган. Фильтрация оқимининг барчаси диаметри 300 мм бўлган асбест-цемент қувур орқали коллекторга тушади ва бу коллектор ўз навбатида Қорасу дарёсига қуйилади. Дренаж чиқиш қисмида сув ўлчагич ўрнатилган.

Тўғон танаси ва асоси орқали фильтрация режимини кузатиш учун НЎА лойихаси назарда тутилган. Тўғон чўкишини кузатиш мақсадида сатхдаги реперлар, чуқурликдаги белги плиталари ва створларда тумбалар қурилиши назарда тутилган.

3. Минорали турдаги қувурли туб сув чиқазгич

Минорали турдаги қувурли туб сув чиқазгич тўғон чап тарафида жойлашган бўлиб, ҳалокатли сув ташлагич билан бирлаштирилган. Ҳисобий сув сарфи $5 \text{ м}^3/\text{с}$. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

- **Кириш қисми** узунлиги 5,0 м, конструктив жихатдан шўнғувчи деворчалари баландлиги 3,04 м бўлган тўғри бурчакли коробка шаклида ишланган. Остонаси отметкаси 577.51 м;

- **Босимли участка** – бир кўзли қувур бўлиб, узунлиги 7,5 м, ҳар бирининг узунлиги 2 м ва диаметри 1 м бўлган 4 та йиғма темир-бетон қувурдан қурилган;

- **Сув чиқазгич минораси** баландлиги 13,0 метр, кўндаланг кесими ўлчамлари 7,2x2,5 метр, монолит темир-бетондан ишланган. Унда иккита камера бор. Биринчи камерада ишчи затвор, иккинчисида таъмирлаш затвори жойлашган. Конструкцияси жихатдан ясси затвор бўлиб, ўлчамлари $B \times H = 1,0 \times 1,2$ метр. 6,0 метр босимга мўлжалланган. Затворлар бир винтли электр кўтаргичлар ёрдамида бошқарилади.

Затворларни жойлаштиришдан ташқари камера тошқин сув сарфини ўтказиш учун ҳам мўлжалланган. Бунинг учун миноранинг юқори қисмида, камера устида ён деворларининг ўлчамлари $B \times H = 1,0 \times 0,5$ метр ва ҳисобий сувсарфи $2,0 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлган (НДС да остона отметкаси 584.50 м) иккита тўғри тўртбурчакли тешик бор;

- **Босимсиз участка** - узунлиги 25,5 метр бўлган бир кўзли қувурдан иборат бўлиб, ҳар бирининг диаметри 1,5 метр ва узунлиги 2,0 метр бўлган 13 та айлана

кесимли йиғма қувурлардан ташкил топган. 5,0 м³/с сув сарфини ўтказишга мўлжалланган;

- **Бирлаштирувчи участка** - узунлиги 7,2 м, тубининг эни 1,5 м дан 3,0 метргача, шўнғувчи деворчали ва трапеция шаклидаги сув урилма қудуқли (узунлиги 5,05 м, туб эни 3,0 м, ён қияликлари 1,5 м ва чуқурлиги 2,32 м) темир-бетон коробка кўринишида қурилган. Рисберма трапеция шаклида бўлиб, чакиқ тошдан ишланган, узунлиги 15,0 метр, канал билан бирлаширилган.

4. Сув олиб кетувчи канал

Сув олиб кетувчи канал - бетон қоплама билан қурилган, сув ўтказиш қобиляти - 5 м³/с. Канал узунлиги 400 м. Канал охирида сув тақсимлагич қурилган, аммо лойихада назарда тутилган ясси затворлар ўрнатилмаган. Сув тақсимлагич каналда авария содир бўлган вақтда сув ташлаш канали орқали коллекторга сув ташлашни таъминлаб беради.

2.1 Янгиқўрғон сув омбори тўғони устининг белгисини аниқлаш.

1. Шамол таъсирида сув сатҳининг кўтарилиш баландлигини аниқлаш.

$$\Delta h = K_y \frac{W^2 D}{gH} \cos \beta = 2 \cdot 10^{-6} \cdot \frac{15^2 1500}{9,81 \cdot 25} \cos 15^\circ = 0,00026 \text{ м}$$

Бу ерда:

K_v - шамол тезлигига боғлиқ коэффициент;

W - сув сатҳидан 10 м баландликдаги шамолнинг ҳисобий тезлиги, м/с;

D-шамол тўлкинининг ҳайдалиш узунлиги, м;

H-максимал димланган сув сатҳидан дарё тубигача бўлган сувнинг чуқурлиги, м;

g-эркин тушиш тезланиши, м/с²;

β-сув омбори бўйлама ўқи билан шамол йўналиши орасидаги бурчак, град.

Шамол тезлиги ва K_v қийматлари

2.1 – жадвал

W, м/с	20	30	40	50
K _v	2,1·10 ⁻⁶	3·10 ⁻⁶	3,9·10 ⁻⁶	4,8·10 ⁻⁶

2. Максимал димланган сув сатҳидан дарё тубигача бўлган сувнинг чуқурлигини аниқлаш.

$$H = v_{\text{МДС}} - v_{\text{ДТО}} = 595 - 570 = 25 \text{ м}$$

3. Шамол тўлқиннинг қияликка урилиб чиқиш баландлигини аниқлаш.


$$h_{\text{Hj}\%} = h_{1\%} \cdot K_{\Delta} \cdot K_{\text{HП}} \cdot K_{\text{с}} \cdot K_{\text{HГ}} \cdot K_{\text{j}} \cdot K_{\beta} = 0,64 \cdot 1,0 \cdot 0,9 \cdot 1,5 \cdot 2,6 \cdot 1,0 \cdot 0,97 = 2,18 \text{ м}$$

Бу ерда: $h_{1\%}$ - таъминланганлик 1% ли бўлгандаги тўлқиннинг баландлиги уни қуйидаги формуладан аниқлаймиз.

$$h_{1\%} = h_{\text{ўрт}} \cdot K_{1\%} = 0,32 \cdot 2,0 = 0,64 \text{ м}$$

Бу ерда: $K_{1\%}$ - Тўлқиннинг таъминланганлик кузатилиши 1% ли бўлгандаги коэффициент уни қуйидаги формуладан аниқлаймиз.


$$K_{1\%} = g \cdot D / W^2 = 9,81 \cdot 1500 / 15^2 = 65,4 \dots 2,0 \text{ га тенг.}$$



Бу ерда: $h_{\text{ўрт}}$ – Тўлқиннинг ўртача баландлиги уни қуйидаги формуладан аниқлаймиз.

$$A_{\text{мин}} = g \cdot D / W^2 = 9,81 \cdot 1500 / 15^2 = 65,4 \dots 0,014 \text{ га тенг.}$$

$$h_{\text{ўрт}} = A_{\text{мин}} \cdot W^2 / g = 0,014 \cdot 15^2 / 9,81 = 0,32 \text{ м.}$$



2.1-расм. Чуқур сув омборларида шамол тўлқинининг ўртача баландлигини ва ўртача даврийлик элементларини аниқлаш графиги.

Бу ерда: $\tau_{\text{ўрт}}$ – Тўлқиннинг ўртача даврийлиги уни қуйидаги формуладан аниқлаймиз.

$$V_{\text{мин}} = g \cdot t / W = 9,81 \cdot 6 \cdot 60 \cdot 60 / 15 = 14126,4 \dots 5,0 \text{ га тенг.}$$

$$\tau_{\text{ўрт}} = V_{\text{мин}} \cdot W / g = 5 \cdot 15 / 9,81 = 7,6$$

K_{Δ} ва $K_{\text{нп}}$ – Тўлқиннинг қияликка урилиб чиқиш баландлигини ҳисобга олувчи коэф-тлар 2.2 - жадвалга кўра қабул қилинади.

K_{Δ} ва $K_{\text{нп}}$ коэффициентлари қийматлари

2.2 – жадвал

қияликнинг мустаҳкамлаш конструкцияси	$r/h_i\%$	K_{Δ}	$K_{\text{нп}}$
1. Бетон ва темир-бетонли плиталар	-	1.00	0,9

2. Шағал-тош, тош ёки бетонли (темир-бетонли) блоklar	0,002 кичик	1,0	0,9
	0,005...0,01	0,95	0,85
	0,02	0,9	0,8
	0,05	0,8	0,7
	0,01	0,75	0,6
	0,2 катта	0,7	0,5


$K_{\Delta} = 1,0$ бўлганда $K_{нп} = 0,90$ га тенг.

K_c коэффициенти қийматлари

K_{β} коэффициенти тўлқин фронтининг тўғонга бурчак остига келишига боғлиқ ҳолда қабул қилинади.

2.3 – жадвал

Шамол тезлиги, м/с	Қиялик коэффициенти m_1			
	< 0.4	0.4...2	3...5	> 5
$W \geq 20$ м/с	1.3	1.4	1.5	1.6
$W \leq 10$ м/с	1.1	1.1	1.1	1.2



2.2-расм. $K_{нп}$ коэффициенти қийматларини аниқловчи графиклар:

а) $m_1 < 3$ бўлганда, б) $m_1 > 3$ бўлганда.

Тўлқиннинг ўртача узунлигини аниқлаш.

$$\lambda_{\text{ўрт}} = 1,56 \cdot \tau_{\text{ўрт}}^2 = 1,56 \cdot 76^2 = 90,1$$

K_{β} коэффициенти қийматлари

2.4 - жадвал

β^0	0^0	10^0	20^0	30^0	40^0	50^0	60^0
K_β	1,0	0,98	0,96	0,92	0,87	0,82	0,75

$K_{нг}$ коэффициентлари қуйидаги графиклардан m_1 ва

$$K_{нг} = \lambda_{\text{ўрт}} / h_{1\%} = 90,1 / 0,64 = 140,8 \dots 2,6 \text{ га тенг.}$$

K_i коэффициентлари қийматлари

2.5 - жадвал

%	0,1	1	2	5	10	30	50
K_i	1,1	1,0	0,96	0,91	0,86	0,76	0,68

Максима димланган сатҳдан тўғон устигача бўлган баландликни аниқлаш.


$$d = \Delta h + h_{н\%} + a = 0,00026 + 2,18 + 0,5 = 2,68 \text{ м}$$

Тўғон устининг отметкасини аниқлаш.

$$v_{T.Y} = v_{\text{МДС}} + d = 595 + 2,68 = 597,68$$

Тўғоннинг баландлигини аниқлаш.

$$H_T = v_{T.Y} - v_{\text{ДТО}} = 597,68 - 570 = 27,68 \text{ м}$$



2.3-расм. Янгикўрғон сув омбори бир жинсли грунт тўғон кўндаланг қирқимини тузишга доир ҳисобий схема


2.2. Янгиқўрғон сув омборидаги бир жинсли грунт тўғоннинг филътрация ҳисоби

Ҳисоб тартиби:

Тубидан сув ўтказмайдиган тупроқ тўғоннинг филътрация ҳисоби.

Бир жинсли дренажсиз ёки қия дренажли ва дренажли тупроқ тўғон бўйича ҳисобланади:

1. Бир жинсли тупроқ тўғон баландлиги аниқлангандан сўнг тўғоннинг кўндаланг қирқими тузилади.



2.4- расм. Филътрация ҳисоби схемаси

2. НДС билан юқори қиялик туташган жойдан бошлаб, Δl -ни жойлаштирамиз ва “У” ва “Х” ўқларини белгилаб оламиз ва уни қуйидагича аниқлаймиз.

$$\Delta l = \beta \cdot H_1 = 0,42 \cdot 25 = 10,7 \text{ м}$$

$$\beta = \frac{m_1}{2 \cdot m_1 + 1} = \frac{3,0}{2 \cdot 3,0 + 1} = 0,42$$

Бу ерда: $H_1 = НДС - ДТ = 595 - 570 = 25 \text{ м}$

Бу ерда: $\ell_{хис} = \ell_1 + \Delta l + \ell_2 = 70,5 + 10,7 + 112,5 = 193,7 \text{ м}$

3. Депрессия эгри чизигининг пастки қиялигига чиқиш баландлигини қуйидагича аниқлаймиз.

$$h_1 = \sqrt{\ell_{хис}^2 + (H_1 - H_2)^2} - \ell_{хис} = \sqrt{193,7^2 + (25 - 3)^2} - 193,7 = 1,24 \text{ м}$$

4. Солиштирма сув сарфини қуйидаги формуладан аниқлаймиз.

$$q_{солиш} = k_t \cdot \frac{H_1^2 - (H_2 + H_0)^2}{2 \cdot [\ell_{хис} - (H_2 + H_0) \cdot m_2]} = 0,001 \cdot \frac{25^2 - (3 + 4,20)^2}{2 \cdot [193,7 - (3 + 4,20) \cdot 3]} = 0,0016 \text{ м}^2/\text{с}$$

5. Кординаталар бошини “О” нукта деб белгилаймиз ва “Х” га нолдан бошлаб, ихтиёрий қийматлар берилиб, қуйидаги формула бўйича аниқлаймиз.

6. “Х” ўқи бўйича ихтиёрий масофалар белгиланиб, “У” ўқи бўйича баланликлар аниқланади.

x	163,7м	133,7м	103,7м
y	8,95м	13,42м	16,7м

$$y_1 = \sqrt{H_1^2 - \frac{2 \cdot q \cdot x}{k_T}} = \sqrt{25^2 - \frac{2 \cdot 0,0016 \cdot 163,7}{0,001}} = 10,0 \text{ м}$$

$$y_2 = \sqrt{H_1^2 - \frac{2 \cdot q \cdot x}{k_T}} = \sqrt{25^2 - \frac{2 \cdot 0,0016 \cdot 133,7}{0,001}} = 14,0 \text{ м}$$

$$y_3 = \sqrt{H_1^2 - \frac{2 \cdot q \cdot x}{k_T}} = \sqrt{25^2 - \frac{2 \cdot 0,0016 \cdot 103,7}{0,001}} = 17,12 \text{ м}$$

2.3 Янгиқўрғон сув омбори грунт тўғонининг статик ҳисоби

В.В. Аристовский ўсули.

3.1. Ҳавфли ўпирилиш текислиги марказини аниқлаш қуйидаги кетма-кетликда бажарилади.

3.2. Пастки қияликни 1та ўртача қиялик билан алмаштирамиз яъни (пастки қияликнинг марказини «а» нукта билан белгилаймиз) $m_{ўрт}$ аниқлаймиз.

$$m_{ўрт} = m_2 + m_2^1 / 2 = 3,0 + 3,25 / 2 = 3,125$$


3.3. R_1 радиусни аниқлаш.

$$R_1 = R_H + R_B / 2 = 88,6 + 52,6 / 2 = 70,6 \text{ м} / 300 = 0,23 \cdot 100 = 23,5 \text{ см}$$

$$R_H = r_H \cdot H_T = 3,2 \cdot 27,68 = 88,6$$

$$R_B = r_B \cdot H_T = 1,9 \cdot 27,68 = 52,6$$

Бу ерда: r_H ва r_B лар пастки қиялик нишаблигига қараб 8.2 чи жадвалдан олинади.



2.5 - расм. Айланма цилиндрик сиртларни силжиш услуби бўйича тўғон қияликлари устуворлиги ҳисоби схемаси: I-тўғон танаси грунтнинг табиий намлиги; II-тўғон танаси грунт; III-тўғон танаси грунтнинг сувдаги муаллақ ҳолати; IV-тўғон замини грунтнинг сувдаги муаллақ ҳолати.

3.4. А ва Е нуқталардан R_1 радиусли 2 та ёй ўтказамиз ва 2 та ёйнинг туташган нуқтаси « O_1 » нуқта деб белгилаймиз.

3.5. «а» нуқта билан « O_1 » нуқтанинг марказини «е» нуқта деб белгилаб ундан ёй ўткизиб «в» нуқтани белгилаймиз.

3.6. «в» нуқта билан « O_1 » нуқтани бирлаштириб, бирлашган чизиқда энг катта ҳавфли ўпирилиш текисликларининг марказлари жойлашади.

3.7. R радиусни аниқлаш у « O_1 » нуқтадан тўғон усти кенглигининг учдан бир қисмини ўз ичига қамраб олади.

$$R = 25 \text{ см} / 100 \text{ см} = 0,25 \cdot 300 = 75 \text{ метр.}$$

3.8. Ўпирилиш қисмини бирнечта вертикал қаторларга ажратамиз ва уларнинг энини

$$b = 0,1 \cdot R = 0,1 \cdot 75 = 7,5 \text{ метр.}$$

3.9. Ўпирилиш қисмини асосий 4 та зоналарга ажратилади:

I-зона – тўғон усти кенлигидан депрессия эгри чизигига;

II-зона – депрессия эгри чизигидан пастки бѐфдаги сув сатҳигача;

III-зона - пастки бѐфдаги сув сатҳидан тўғон асосигача;

IV - зона – тўғон асосидан ўпирилиш қисмигача.

- 3.10. Ҳар бир зона учун тупроқнинг солиштирма оғирлиги (δ т/м³) , ғоваклиги (n), ички ишқаланиш бурчаги (φ^0) ва бўлинма сиртидаги тупроқнинг солиштирма боғланиш коэффиценти (C т/м²) аниқлаш.

2.6- жадвал

ҚМҚ бўйича тупроқлар номи	Солиштирма оғирлиги δ т/м ³	Ғоваклиг и n	Грунт ҳолати			
			нам		Ивиганича тўйинган	
			$\varphi^0_{в.л}$	$C_{в.л}$ т/м ²	$\varphi^0_{мок}$	$C_{мок}$ т/м ²
Лой	2,74	0,3	25	10	14	5,0
Қумоқ	2,71	0,27	24	5	17	3,0
Қумлоқ	2,70	0,3	27	2	20	0,5
Майда қум	2,66	0,4	32	0,02	32	0,02
Ўрта қум	2,66	0,35	35	0,01	35	0,01
Йирик қум	2,66	0,30	38	-	38	-
Шағал ва харсанг тош	2,66	0,27	40	-	40	-

Тўғон танасининг тупроғи қумоқ.

δ – 2,71 т/м² Солиштирма оғирлик.

n – 0,27 ғоваклик коэффиценти.

$$\varphi^0_{в.л} = 24^0, \quad C_{в.л} \text{ т/м}^2 = 5, \quad \varphi^0_{мок} = 17^0, \quad C_{мок} = 3,0 \text{ т/м}^2 \text{ га тенг.}$$

- 3.11. Ҳар бир зонадаги тупроқнинг солиштирма оғирлиги аниқланади:

I- зонадаги тупроқнинг солиштирма оғирлиги аниқланади:

$$\gamma_1 = 1,1 \cdot \delta \cdot (1 - n) = 1,1 \cdot 2,7 \cdot (1 - 0,3) = 2,17 \text{ т/м}^2$$

II- зонадаги тупроқнинг солиштирма оғирлиги аниқланади:

$$\gamma_2 = \delta \cdot (1 - n) + \gamma \cdot n = 2,7 \cdot (1 - 0,3) + 2,17 \cdot 0,3 = 2,56 \text{ т/м}^2$$

III ва IV–зоналар учун тупроқнинг солиштирма оғирлиги аниқланади:

$$\gamma_{3,4} = (1 - n) \cdot (\delta - 1) = (1 - 0,3) \cdot (2,7 - 1) = 1,25 \text{ т/м}^2$$

3.11. Ҳар бўлинма учун унинг белгисини ҳисобга олган ҳолда қуйидагилар аниқланади:

$$b = 0,1 \cdot R$$

$$\sin \alpha = 0,1 \cdot N$$

$$\cos \alpha = \sqrt{1 - \sin^2 \alpha},$$

b – бўлинма эни;

R – сирпаниш юзасининг радиуси.

а) Сирпаниш юзаси бўйича жойлашган грунт ишқаланиш ички бурчагининг тангенси

$$\operatorname{tg} \varphi_{\text{в.л}}^0 = 24^\circ$$

б) ҳар бир бўлинма оғирлиги :

$$G = (h_1 \gamma_1 + h_2 \gamma_2 + h_3 \gamma_3 + h_4 \gamma_4) \cdot V$$

бунда, γ – кўриб чиқиладиган бўлинма таркибига кирувчи алоҳида зоналарнинг солиштирма оғирлиги;

h – кўриб чиқиладиган ҳар бир бўлинмадаги зонанинг ўртача баландлиги;

в) Ушлаб турувчи куч (ишқаланиш кучи) :

$$F = N \cdot \operatorname{tg} \varphi_{\text{в.л}}^0$$

г) Силжитувчи куч

$$\tau = g \cdot \sin \alpha,$$

д) боғланиш кучи

$$C = c \cdot \ell,$$

бунда, c – ўприлиш зонаси текислигидаги грунт солиштирма боғланиш коэффициенти (2.13 – жадвал бўйича қабул қилинади);

ℓ –боғланиш участкаси узунлиги; айланма цилиндрик сиртлар силжиши бўйича қуйидаги формуладан аниқланади:

β^0 - бўлинма боши ва охиридан ўтказилган сирпаниш радиусларидан ташкил этилган бурчак;

е) депрессия эгри чизиғи нишаби:

$$i = h_1 - h_2 / \ell$$

ж) фильтрация оқимининг гидродинамик босими:

$$\Phi = h_2 \cdot b \cdot i$$

з) Гидродинамик босим елкаси (радиуси) :

$$r = \frac{R - b}{\cos \psi}$$

Бунда, Ψ – оа чизиғи ва фильтрация босимининг кесими ўртасидаги бурчак


$$\psi^0 = \arctg \frac{a_1}{R - b_1}$$

бу ерда: $a_1 = h^1 \cdot \sin \alpha$ $b_1 = h^1 \cdot \cos \alpha$, $h^1 = 0,5 \cdot h_2 + h_3 + h_4$,

Статик ҳисоб.

1-қисми.

N	Sin α	Cos α	$\text{tg } \phi^0_{\text{B...I.}}$	h_1	h_2	h_3	h_4	γ_1	γ_2	γ_3	γ_4	$h_1 \cdot \gamma_1$	$h_2 \cdot \gamma_2$	$h_3 \cdot \gamma_3$	$h_4 \cdot \gamma_4$	$\sum h_i \gamma_i$	$g = b \cdot \sum h_i \gamma_i$	$N = g \cdot \text{Cos } \alpha$
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
9	0,9	0,44	0,4	3,5	0	0	0	2,17Т/М²	2,56 Т/М²	1,25Т/М²	1,25 Т/М²	7,60	0,00	0,00	0,00	7,60	57,00	25,08
8	0,8	0,60		11	0,5	0	0					23,87	1,28	0,00	0,00	25,15	188,62	113,17
7	0,7	0,71		9	7	0	0					19,53	17,92	0,00	0,00	37,45	280,87	199,42
6	0,6	0,80		8	11	1	0					17,36	28,16	0,00	0,00	45,52	341,40	273,12
5	0,5	0,87		6	10	3	2					13,02	25,60	3,75	2,50	44,87	336,52	292,77
4	0,4	0,92		4,5	9	3	5,5					9,76	23,04	3,75	6,87	43,42	325,65	299,60
3	0,3	0,95		3	8	3	8					6,51	20,48	3,75	10,00	40,74	305,55	290,27
2	0,2	0,98		2	7	3	9					4,34	17,92	3,75	11,25	37,26	279,45	273,86
1	0,1	0,99		0,5	6	3	10					1,08	15,36	3,75	12,50	32,69	244,87	242,42
0	0	1,00		0	5	3	10					0,00	12,80	3,75	12,50	29,05	217,87	217,87
-1	-0,1	0,99		0	-4	-3	10					0,00	10,24	3,75	12,50	26,49	198,67	196,68
-2	-0,2	0,98		0	-2	-3	9					0,00	5,12	3,75	11,25	20,12	150,90	147,88
-3	-0,3	0,95		0	0	-3	8					0,00	0	3,75	10	13,75	103,12	97,96
-4	-0,4	0,92		0	0	0	5,5					0,00	0	0	6,87	6,87	51,52	47,4
-5	-0,5	0,87		0	0	0	2					0,00	0	0	2,5	2,5	18,75	16,31

Статик ҳисоб.										2-қисми.			
$F = N \cdot \operatorname{tg} \varphi_{B.I}^0$	$\tau = g \cdot \sin \alpha$	$C_{\text{мок}}$	ℓ	$C = c \cdot \ell$	$i = h_1 - h_2 / \ell$	$h^1 = 0,5 \cdot h_2 + h_3 + h_4$	$a_1 = h^1 \cdot \sin \alpha$	$b_1 = h^1 \cdot \cos \alpha$	$\operatorname{tg} \psi = a_1 / R - b_1$		$\cos \psi^0$	$r = \frac{R - b}{\cos \psi}$	$\Phi = h_2 \cdot b \cdot i$
20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33
